

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАЗАРОВА ДИЛДОР БАХРОНОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ВАРИАНТДОШ БИРЛИКЛАРНИНГ
НУТҚИЙ ҚЎЛЛАНИШИ ВА УСЛУБИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Базарова Дилдор Бахроновна

Ўзбек тилида вариантдош бирликларнинг нутқий қўлланиши ва услубий хусусиятлари..... 5

Bazarova Dildor Bakhronovna

Speech usage and style features of variant units in uzbek language.....23

Базарова Дилдор Бахроновна

Речевые употребления и особенности стиля вариантных единиц в узбекском языке.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ.....45

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БАЗАРОВА ДИЛДОР БАХРОНОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИДА ВАРИАНТДОШ БИРЛИКЛАРНИНГ
НУТҚИЙ ҚЎЛЛАНИШИ ВА УСЛУБИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.01 – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Қарши – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil411 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Қарши давлат университети веб-саҳифасининг www.qarshidu.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Курбанова Муҳаббат Матякубовна**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Менглиев Бахтиёр Ражабович**
филология фанлари доктори, профессор

Холманова Зулҳумор Турдиевна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Филология факультети фаоллар зали.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги «__» рақамли реестр баённомаси).

Н.Н.Шодмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.

Г.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.ф.д. (PhD)

Д.Тўраев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилга система сифатида ёндашиш, система ва элемент, умумийлик ва алоҳидалик тушунчаларини фарқлаш тамойили асосида лисон ва нутқ ходисаларини ажратиш инвариант ва вариант тушунчаларини нисбатли тушунчалар сифатида талқин қилишга олиб келди. Хусусан, лисон тилнинг имконияти сифатида нутққа кўчар экан, нисбатан кенг қамровли ва турли соҳаларга оид вариант тушунчасини тил ва нутқ дихотомиясига таянган ҳолда белгиларини далиллашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида вариантлилик ҳодисаси, унинг бирликлари бўлмиш вариантдош сўзлар масаласи бўйича кўплаб фундаментал тадқиқотлар амалга оширилган. Тилшуносликдаги фаол ва умумсатҳий атамалардан бўлган вариант, вариантдош, дублет атамалари ҳам тил сатҳларига, ҳам уларнинг амалий воқеланишига дахлдорлиги билан характерланади. Тадқиқотларда вариантдош бирликларнинг таркиби, сатҳларга муносабати, шаклланиш жараёнлари, уларнинг семантик, структур имкониятлари талқин этилади ҳамда бундай бирликларни таснифлашда ҳам тилнинг барча бирликларининг таснифида бўлгани каби умумийликдан хусусийликка томон бориш тамойилига амал қилинган ҳолда ўрганиш тилшуносликнинг назарий-амалий ривожига хизмат қилади.

Ўзбек тилшунослигида XX асрнинг ўрталарига келиб баъзи тадқиқотларда ёзувчи тили ва услуби, бадиий асар тили ҳақида фикрлар юритилиб, бадиий матнларда учрайдиган вариантлилик ҳодисасига эътибор қаратила бошланди. Чунки вариант, вариантдош, дублет атамалари ўзида тилнинг тарихи ва бугуни, лисон ва нутқ, талаффуз ва имло, меъёр ва услуб, адабий тил ва шева, лисон ва социум кесишувида амал қилувчи, содда, лекин мураккаб феномен эканлиги билан ажралиб туради. «Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир»¹. Бу эса бугунги кунда тил бирликларини таснифлашда уларнинг вариантдошлик хусусиятларини лисоний-нутқий жиҳатдан ёндашиш заруратини туғдиради ва уларнинг бадиий вазифалари шу дихотомия билан боғлиқ ҳолда тасниф этишни долзарб вазифа сифатида кун тартибига кўяди. Лисоний имконият воқеланишининг ёрқин намунаси унинг бадиий нутқда юзага чиқишидир. У бадиий қўлланишда ижодкорнинг истеъдоди ва тил билими савиясидан келиб чиққан ҳолда намоён бўлади ҳамда нутқнинг бошқа кўринишларидан фарқли равишда ранг-баранг ҳолатларда имконият чегарасига нисбий максимал даражада интилади. Бугунги кунда бундай имконият воқеланишининг чуқур талқини ўзбек тилшунослиги олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони. «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» // Халқ сўзи, 2019 йил 21 октябрь. № 218 (7448).

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларига мос равишда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий маънавий-маърифий ривожланиш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Вариантдош бирликлар олимлар томонидан маълум даражада ўрганилган. Хусусан, бу бирликлар жаҳон тилшунослигида Р.Якобсон, М.Халле, С.Лэм² томонидан тадқиқ этилган бўлса, рус ва туркий тилшунослигида С.А.Емельянова, А.Д.Швейцер, К.С.Горбачевич, Г.П.Торсуев, С.И.Демидова, З.Д.Попова, В.Н.Ярцева, Г.В.Степанов, А.К.Граудина, Л.А.Вербицкая, Л.А.Грумәдене, О.А.Денисенко, М.Л.Каленчук, Р.П.Рогожникова, И.Сейтназарова, О.А.Горцова, Е.А.Иванникова, Э.Т.Кайдаров, Г.В.Степанов, Д.А.Салтуганова, А.Бобоева, К.Усмонов, Р.Шукуров, У.Усмонова, Д.Набиева ва А.Қазақбаева³ кабилар томонидан ўрганилган.

²Якобсон Р., Халле М. Фонология и её отношение к фонетике, пер.с англ., в кн.: Новое в лингвистике, вып. 2. – М., 1962. – С. 231-278., Лэм С.М. Очерк стратификационной грамматики. Пер. с англ., Минск, Вышэйшая школа. 1977. – 134 с.

³Емельянова С.А. Вариантные формы видов в современном русском языке: Автореф. дисс ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1974; Швейцер А.Д. Вариантность языковой нормы в территориальном и социальном плане // Сборник научных трудов Моск. госпед.ин-та. Вып. 73. – М., 1973; Горбачевич К.С. Вариантность слова и языковая норма: На материале современного русского языка. Изд. 2. – Л.: Наука. Ленинградское отделение. 1979. – 238 с.; Торсуев Г.П. Контстантность и вариантность в фонетической системе. – М.: Наука, 1977. – 126 с.; Демидова С.И. К вопросу вариантности словообразовательных средств в языке диалектного типа // Вопросы вариантности и синонимы в современном русском языке // Научные труды Свердловского гос.пед. ин-т. – Свердловск, 1973. – С. 17-24; Попова З.Д. Проблема вариантности и лексикологии // Изв. Воронеж. пед.ин-та. 1975. – Т.141. – С.15-22; Ярцева В.Н. Проблемы языкового варьирования: исторический аспект // Языки мира: Проблемы языковой вариативности. – М., 1990. – С. 4-35.; Степанов Г.В. Об особенностях языковой вариантности. Теория англистика. Кельтология. – М., 1976; – 280 с.; Вербицкая Л.А. К вопросу о соотношении нормы и вариантов // Звуковой строй языка. – М., 1979. – 268 с.; Грумәдене Л.А. Проблема социальной обусловленности речевого варьирования / на материале литовского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1982; Денисенко О.А. Вариантность суффиксов отглагольных прилагательных современного русского литературного языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1986; Каленчук М.Л. Об орфоэпической вариантности // Филологические науки, Тб-3. – М., 1991; Рогожникова Р.П. Варианты слов в русском языке. – М.: Просвещение, 1966; Сейтназарова И. Фонетические варианты слов в современном каракалпакском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Нукус, 1997. – С 22; Горцова О.А. Вариативность и синонимия тавтологических образований в современном русском языке // Лингвистический сборник. Вып. 12, 1978; Иванникова Е.А. К вопросу взаимоотношения понятия варианта с понятием синонима // Синонимы русского языка и их особенности. – Л.: Наука, 1972. – 22с. Кайдаров Э.Т. О фразеологических вариантах в уйгурском языке // Советская тюркология, 1970, – № 2. – С. 19-23; Салтуганова Д.А. Вариантность и вариативность гласных в речи билингва: экспериментально-фонетическое исследование. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Йошкар-Ола, 2014; Бобоева А. Ҳозирги ўзбек тилида вариантдорлик // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979, 6-сон. – Б. 57–61; Шукуров Р. Сўзнинг морфологик вариантлари. – Тошкент: Фан, 1990; Усмонова У. Дублетлар ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1968, – № 1. – Б. 39–41; Набиева Д.А. Ўзбек тилида лисоний бирликларнинг инвариант-вариант муносабати: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 29 б. Қазақбаева А.Т. Қорақалпоқ тилида кўшимчаларнинг вариантлиги: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Нукус, 2010. – 24 б.

Бундан ушбу диссертация ишига тегишли икки муаммо юзага чиқади. Биринчидан, амалга оширилган илмий тадқиқотларда вариантдош бирликлар лисон-меъёр ва нутқ бўлиниши асосида тадқиқ этилмаган. Иккинчидан, бугунги ўзбек шеъриятида вариантдош бирликларнинг бадий функционал дифференциацияси на у, на бу аспектда махсус лингвистик текшириш манбаи бўлмаган. Бу эса вариантдош бирликларнинг лингвопоэтик хусусиятини ўрганишнинг мақсад ва вазифасини белгилашга асос бўлади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Ўзбек тилининг системавий тадқиқи» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилида вариантдош бирликларнинг меъерий чегарасини белгилаш, уларнинг нутқий қўлланиши ва услубий хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

вариантдош бирликлар ва уларнинг лисон ва нутққа муносабатини аниқлаш;

вариантдош бирликлар таснифини амалга ошириш;

бадий мазмун талаби билан қўлланган вариантдош бирликларнинг нутқий қўлланиши ва услубий хусусиятларини таҳлил қилиш;

бадий мазмун талаби билан қўлланган вариантдош бирликларнинг бадий вазифаларини таҳлил қилиш;

бадий шакл талаби билан қўлланган вариантдош бирликларнинг нутқий қўлланиши ва услубий хусусиятларини очиш;

бадий шакл талаби билан қўлланган вариантдош бирликларнинг бадий вазифаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тилидаги вариантдош бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини эса ёзувчи ва шоирларнинг насрий ҳамда шеърий асарлари матни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифлаш, қиёслаш, анализ, синтез, таснифлаш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вариантдош бирликларнинг лисон ва нутққа бўлган муносабати, лисоний ва нутқий табиатли вариантдош бирликларнинг ўзаро фарқланиш асослари очиб берилган;

вариантдош бирликларнинг лексик, морфологик ва синтактик сатҳга мансублигига кўра, вариантлашув асосларига кўра, услубий хосланганлик ёки хосланмаганлигига кўра турлари аниқланган;

бадий мазмун талаби билан қўлланган вариантдош бирликларнинг эстетик вазифалари, уларни нутққа олиб чикувчи воситалар ҳамда матний хусусиятлари очиб берилган;

бадий шакл талаби билан қўлланган вариантдош бирликларнинг нутқий воқеланиши ва матний хусусиятлари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижасида олинган хулосалар ҳозирги замон фани ривожига учун фойдали бўлган ўзига хос илмий ёндашувларнинг шаклланишига ва тилшунослик фанини янги илмий-назарий қарашлар билан бойитишига хизмат қилиши аниқланган;

диссертацияда вариантдош бирликларнинг хусусиятлари ҳамда лисоний ва нутқий табиатли вариантдош бирликлар изоҳини шакллантиришга оид тадқиқот натижалари ўзбек тилшунослигида муҳим маълумот бўлиб хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Мазкур тадқиқот ишида таҳлилга тортилган материалларнинг ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукамаллиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, фойдаланилган мисоллар Ўзбекистон Республикасида нашр этилган вариантдош сўзлар қўлланган бадий асарлар, энциклопедик луғатлар, изоҳли луғатлардан олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, вариантдош бирликларнинг нутқий қўлланиши ва услубий хусусиятлари ўзбек тилшунослигининг лингвопоэтика соҳасига ва шеърини нутқини яхлит лингвопоэтик ва лингвостилистик ўрганишга маълум даражада ҳисса қўшиши очиб берилган. Ишда қўлланган тадқиқ методлари ҳар қандай ижодкорнинг тил лисоний имкониятларидан бадий фойдаланиш имкониятларини ўрганишда самарадор эканлигини асослайди ва тадқиқот шу соҳада келгусида бажарилажак ишлар учун назарий манба вазифасини ўтайди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унда таҳлилга тортилган вариантдош сўзларга оид материаллар ва мисоллар ўзбек тилида тузиладиган изоҳли луғатлар, соҳалар юзасидан яратиладиган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик кўрсатмалар учун иллюстратив материал сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: вариантдош бирликларнинг нутқий қўлланиши ва услубий хусусиятларини очиб бериш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

вариантдош бирликлар ва уларнинг лисон ва нутққа муносабати ҳақидаги қарашлардан, вариантдош сўзлар фаол қўлланилган фразеологизмлар таркибидаги айрим сўзларнинг тарихан ясама эканлиги хусусидаги мулоҳазалари ва хулосаларидан ФА-Ф1-ГООЗ рақамли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» (2012-2016) номли фундаментал тадқиқот лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти 2019 йил 10 сентябрдаги 185/1-сон маълумотномаси). Натижада замонавий тилшунослик

тилни инсон, унинг тафаккури ва онги билан чамбарчас боғлиқликда ўрганишга интилаётганлиги, бунда тил инсон тафаккур фаолиятининг механизми ва қуроли эканлиги, унинг табиати ва маънавий дунёсининг таркибий қисми сифатида қаралиши ҳақидаги ўринларни ёритишга эришилган;

бадий шакл ва мазмун талаби билан қўлланган вариантдош бирликларнинг эстетик вазифалари, уларни нутққа олиб чиқувчи воситалар ҳамда матний хусусиятлари ҳақидаги илмий хулосаларидан ОТ-Ф8-002 рақамли «Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 13 февралдаги 89-03-611-сон маълумотномаси). Натижада халқ руҳиятини, маънавий қиёфасини, инсоний сифатлари даражасини намоён қилишдаги ўринларни ёритишга хизмат қилган;

поэтик вариантларнинг қўлланиши бадий пафосни таъминлаши, шеърий кўтаринкиликка эришиш, поэтик тантанаворликни ошириш мақсадига бўйсундирилганлиги, бадий шакл – мисраларда вазний мутаносибликни таъминлашга қаратилганлиги билан характерланиши ҳақидаги назарий фикрларидан ономастик бирликларнинг лингвопоэтик хусусиятларини ёритишда ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида 2015-2016-йилларда бажарилган ФА-ИЗ-Г009 рақамли «Ономастик бирликларнинг лингвопоэтик тадқиқи» китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш» инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 13 февралдаги 89-03-611-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларидан тилдаги лексикология ва лингвопоэтика соҳаларини ўргатишдаги изланишлар мукаммаллашган;

бадий мазмун талаби билан қўлланган вариантдош бирликларнинг эстетик вазифалари, уларни нутққа олиб чиқувчи воситалар ҳамда матний хусусиятларига оид илмий хулосалардан Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг кўрсатув ва эшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда, хусусан, «Бадий асарларда қўлланган вариантдош бирликларнинг нутқий хусусиятлари ва бадий вазифалари» мавзусидаги чиқишларидан вилоят телевидениесининг «Олтин воҳа» мусиқий дам олиш дастури ҳамда вилоят «Олтин воҳа» радиосининг «Тил – миллат кўзгуси», «Маънавият сабоқлари» рукнлари остидаги кўрсатув ва эшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 19 ноябрдаги 196 рақамли маълумотномаси). Натижада бадий мазмун ва шакл талаби билан қўлланган вариантдош бирликлар шеърий нутқда ҳамда публицистик матнларда эстетик, бадий ва услубий вазифалар бажариши мисолида публицистика масалаларини амалий ёритиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 2 та хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, ўрганилиш даражаси ёритилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек тилида вариантдош бирликларнинг тадқиқи**» деб номланувчи I бобида вариантлилик ҳақида фикр юритилиб, тилшуносликда вариантдош бирликларнинг ўрганилиши, вариантдош бирликларнинг бошқа бирликлардан фарқи ва ўхшаш томонлари ўрганилган ҳамда ушбу масалаларга муносабат билдирилган

Бобнинг «**Вариантлилик ҳақида. Вариантдош сўзларнинг вужудга келиш омиллари**» деб аталувчи биринчи бўлимида вариантлилик ва вариантдошлик атамалари изоҳланган ҳамда уларнинг илмий адабиётлардаги таърифлари келтирилиб, вариантдош сўзларнинг вужудга келиш омиллари ёритиб берилган.

Лингвистик дублет ёки лисоний дублет ёхуд шунчаки дублет (франц. «double» (иккиланма, иккиёклама)) сифатидан олинган doublet атамаси остида маъноси бир хил ёхуд яқин, этимологик жиҳатдан бир илдиздан келиб чиққан, тадрижий тараққиёт натижасида семантик ёки услубий фарқ касб этган, фонетик қиёфаси айрим товуш жиҳатидан фарқланадиган лексик бирликлар тушунилади⁴.

Вариант тушунчаси нисбатан кенг қамровли ва турли соҳаларга оид бўлиб, унинг нафақат умумистеъмол, ижтимоий-сиёсий ёки лингвистик, балки аниқ фанлар соҳасида ҳам ўзига хос моҳиятга эгаллигини кўриш мумкин.

Лисоний вариантлилик тилдаги ортиқчалик оқибатидир. У тилнинг тадрижий ривож натижаси ва бундан кейинги тараққиёти учун хизмат қилувчи воситалардан саналади. Тил бирликларининг «ортиқчалик» белгисини рақобатдошлик хоссаси сифатида баҳолаш тўғрироқ. Зеро, рақобат – тараққиётни белгилайдиган, уни тезлаштирадиган асосий омиллардан бири.

⁴www.wikipedia – Свободная энциклопедия.

Вариантдошлик, вариантлилик ёхуд вариантдорлик тил меъёри талаблари нуқтаи назаридан баҳоланади. Ҳозирги ўзбек адабий тили ҳам бошқа тиллар каби вариантларга бойлиги билан характерланади ва ягона инвариант шаклни танлаш ҳамда бошқа вариантларни инкор қилиш тилнинг ижтимоий функциясига футур етказди.

Вариантдош сўзларнинг вужудга келиши кўплаб ташқи ва ички омилларга боғлиқ.

Ички омиллар сифатида қуйидагиларни санаш мумкин:

- аналогия қонуниятининг амал қилиши;
- тилда формал-семантик асимметрия қонуниятининг мавжудлиги;
- турли нутқ услубларининг мавжудлиги;
- тилнинг тарихий тараққиёти;
- нутқий тежам;
- тилнинг «эгиловчанлиги» (мослашувчанлиги);
- нутқнинг индивидуаллиги;
- тилда танлаш имконияти мавжудлиги.

Вариантлар вужудга келишининг ташқи омиллари сифатида қуйидагиларни санаш мумкин:

- бошқа тилларнинг таъсири;
- тилнинг социал фарқлануви;
- жамият ҳаётида юз берган ижтимоий ўзгаришлар;
- имло ислоҳоти;

Тилнинг тадрижий тараққиёти нуқтаи назаридан муносабатда бўлинса, вариантларнинг яшовчанлиги, қўлланувчанлик даражаси турличадир. Истеъмолдан чиқиб кетган имло қоидалари ва анъаналарининг излари сақланиб қолиши ҳам вариантдорликни келтириб чиқаради. Шунинг учун вариантлиликнинг ижтимоий ва индивидуал турини фарқлаш мумкин бўлади. Масалан, араб имло анъанаси амал қилаётганлиги сабабли *тамагир*, *таъқиқламоқ* ўзлашма сўзларининг **айн** ҳарфи мавжудлиги асосида араб имлосида *таъмагир* (تعمر) *таъқиқламоқ* (تعقلماق) тарзида ёзилиши анъанаси кирилл ва лотин имлосида ҳам, гарчи имло қоидаларига зид бўлса-да, давом этиб келмоқда. Зеро, бундаги «хатолик» тўла маънодаги субъектив хатолик бўлмай, балки кирилл алифбоси асосидаги стереотиплар асосида юз бераётган объектив хатолик сифатида баҳоланиши лозим. Араб алифбосидаги *таъмагир*, *таъқиқламоқ* сўзларининг кирилл (*таъмагир*, *таъқиқламоқ*) ва лотин (*ta'magir*, *ta'qiq'lamoq*) имлосидаги «хато» вариантларига ҳам шундай муносабатда бўлиш мумкин.

Давр ҳар бир вариантдош сўзга ўз талабларини қўяди. Улардан айримлари эскирган қатламга мансублиги, сўзлашувга хослиги, адабий талаффуз меъёрига мувофиқ эмаслиги, маданий қатлам талабига жавоб бермаслиги каби омиллар остида истеъмолдан чиқарилади. Доминанта бирлик эса адабий тилнинг меъёрларига ҳар жиҳатдан мос эканлиги билан характерланади ва меъёр уни танлаб, қонунийлаштиради.

Шу сабабли айрим сўзларнинг вариантлари қонунийлиги ва яшовчанлиги билан характерланади. Масалан:

шоҳиста – шойиста

шоҳи – шойи

бадтар – баттар каби.

Мазкур бобнинг «**Вариантдош бирликларнинг бошқа бирликларга ўхшаш ва фарқли томонлари**» бўлимида ўзбек тили лексикасида универсал ҳодисалар: вариация, полисемия, омонимия, синонимия, антонимия ва паронимия ҳақида сўз боради. Бу ҳодисалар ўзига хос ифода ва мазмун жиҳатини намоён этган, фонетик-фонологик, график ва маъновий хусусиятлари билан бир-бирига муносабатдош, бир-бирига ўхшаш ва бир-бирига ноўхшаш жиҳатларга эга. Бир лексик бирликнинг турли шакллари – лексемаларнинг фонетик, лексик ёки грамматик варианты ва вариантдорлигини юзага келтиради. Масалан:

чивин – чибин

гавҳар – жавҳар – гуҳар

исирга – сирга

иймон – имон

Фонетик ёки морфологик вариантдош лексемаларда ҳамиша маъновий мослик мавжуд бўлиб, улар маъноси жиҳатидан умуман фарқ қилмайди ва бир хил тил доирасида кузатилади.

Ҳамиша маъновий мослик мавжуд бўлган яна бир бирлик борки, улар лексик дублетлардир. Мана шу маъновий мослик уларни вариантдош сўзлар билан чалкаштириш ҳолатларига олиб келади. Масалан:

тилшунос – лингвист

амр – фармон – буйруқ.

Айрим манбаларда вариантдош сўзларга нисбатан дублет сўзлар атамаси ҳам ишлатилади.

«**Тилшуносликда вариантдош бирликларнинг ўрганилиши**» бўлимида сўнгги даврларда ўзбек тилининг вариация ҳодисасини шакллантирадиган ва намоён қиладиган вариантдош сўзларни ўрганган, ўқув, ўқув-методик адабиётларда, илмий асарлар ва бошқа манбаларда вариантдош сўзлар ҳақида турли хил фикрлар ва мулоҳазалар билдирган О.С.Ахманова, Р.Якобсон, М.Халле, С.В.Илларионов, Н.Д.Арутюнова, К.С.Горбачевич, С.Лэм, В.М.Солнцев сингари олимларнинг ишлари санаб ўтилади ва уларга муносабат билдирилади.

Шунингдек, XX асрнинг ўрталарига келиб, ўзбек тилшунослигида ҳам баъзи тадқиқотларда ёзувчи тили ва услуби, бадиий асар тили ҳақида фикрлар юритилиб, бадиий матнларда учрайдиган вариантлилик ҳодисасига ҳам эътибор қаратила бошланди. Бу борада Ш.Раҳматуллаев, Р.Шукуров, Ў.Усмонова, А.Бобоева, Д.Набиеваларнинг олиб борган илмий тадқиқот ишлари қайд этилади.

Адабий тилдаги имловий-орфоэпик вариантлилик(вариантдошлик)ни дастлаб учраши нуктаи назаридан иккига ажратиш урф бўлган:

а) ҳар хил матнлар – турли луғат, турли нашр ва ҳар хил муаллиф асарларида бир сўзнинг турлича имлосини ифодалайдиган ташқи вариантлилиқ ёки экстравариантлилиқ ҳодисаси;

б) бир манба, яъни бир луғат, бир асар ёхуд бир муаллиф асарларида бир бирликнинг турли хил ёзилишини ифодалайдиган ички вариантлилиқ ёхуд интравариантлилиқ ҳодисаси.

Вариантлилиқ, вариантдошлиқ жуда кўп фан соҳаларига дахлдор бўлиб, у тилшуносликда ҳам кенг қўлланивчанлиги билан характерланади. 2 томли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *вариант* атамаси берилган бўлиб, у қўйидаги талқинга эга: «ВАРИАНТ [р<лат] Проект, план, илмий, бадиий, адабий асар, машина ва ш.к.нинг бошқача ишланган тури, бошқа хил ишланган нусхаси. *Икки вариантда тайёрланган проект. «Алпомиш» достонининг Фозил шоирдан ёзиб олинган варианты*»⁵. Ўзбек тилининг 5 томли изоҳли луғатида ҳам сўзнинг изоҳи айнан шундай.

Академик А.Ҳожиёв томонидан тартиб берилган «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати»да *вариант* атамасининг лингвистик табиати баён этилган: «ВАРИАНТ (лот. *varians, variants* - ўзгарувчи). Тил бирлигининг турли-туман ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлган шакли. Масалан, аффикснинг варианты, сўзнинг варианты»⁶.

«АФФИКСНИНГ ВАРИАНТИ. Аффикснинг фонетик (товуш) таркиби жиҳатидан тури. Мас., *обрўйи – обрўси, уйга – теракка – булоққа, кузги – кечки, келгунча – бириккунча – чиққунча каби*»⁷.

«СЎЗНИНГ ВАРИАНТЛАРИ. Сўзнинг бирор жиҳатдан ўзгачаликка эга бўлган кўринишлари. Сўз турли жиҳатдан вариантларга (фонетик, орфоэпик, морфологик ва бошқа вариантларга) эга бўлиши мумкин. Мас., *думалоқ – юмалоқ* (фонетик вариант), *гулдай – гулдек* (морфологик вариант), *изла – иста* (диалектал вариант) ва б.»⁸.

В.Н.Ярцева таҳрири остидаги «Лингвистический энциклопедический словарь»да *вариантлилиқ* (вариантность) атамаси атрофлича таҳлил қилинган. Унинг лисоний ва нутқий, услубий, «горизантал» ва «вертикал» кўринишлари, *вариант – инвариант* атамалари атрофлича ва батафсил шарҳланган⁹.

«Вариантдош бирликларнинг тавсифи ва таснифи» деб номланувчи II бобида вариантдош бирликларнинг тавсифи ва таснифи тадқиқ этилган.

«Вариантдош бирликларнинг тавсифи ва уларни таснифлаш асослари» бўлимида вариантдош бирликларнинг тавсифига қўйиладиган махсус талаблар ва уларнинг муайян белгилари, шунингдек, вариантдошларни тайинлаш ва фарқлашда амал қиладиган мезонлар ҳақида фикр юритилган.

⁵Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 60000 сўз ва сўз бирикмаси / С.Ф.Акобиров, Т.А.Алиқулов, С.И.Ибрагимов ва бошқ.; 3.М.Маъруфов таҳрири остида. – М.: Русский язык, 1981. Т. I. А – Р. – Б. 173.

⁶Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати / Масъул муҳаррир: А.Мадвалиёв. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002. – 168 б.

⁷Ўша асар. – Б.20.

⁸Ўша асар. – Б.27.

⁹Лингвистический энциклопедический словарь / Гл.ред. В.Н.Ярцева. – М.: Советская энциклопедия, 1990. – С.80-81.

Вариантдош бирликларнинг асосий белгилари сифатида қуйидагиларни санаш мумкин:

- 1) умумий денотатив маъно;
- 2) умумий грамматик маъно;
- 3) бир хил морфемик структура;
- 4) этимологик илдизнинг умумийлиги;
- 5) фонетик структурада фарқланишнинг мавжудлиги.

Шу ўринда умумий денотатив маънони умумий лексик маъно деб талқин қилиш тўғри эмас. Чунки вариантдош сўзларда аташ маъноси бир хил бўлса-да, уларнинг ифода бўёқлари фарқланиши кўп ҳолларда учраб туради. Масалан, *бадтар* ва *баттар* сўзлари «китобий»лик ва «сўзлашувга хослик» бўёқлари билан фарқланади. Бу уларнинг коннотатив семалари таркибига киради. Аммо улар ифодалайдиган тушунчалар бир хил ва борлиқдаги бир денотатив объектни англатади.

Бобнинг «Вариантдош бирликлар таснифи. Лексик вариантдош бирликлар ва уларнинг турлари» бўлими тил бирликларининг барқарор белгиларини аниқлаш, уларнинг моҳиятини очиш ва талқини тасниф қилиш муаммоларига бағишланган.

Ўзбек тилшунослигида лисоний тасниф масаласи махсус тадқиқ этилмаган бўлса-да, тилнинг айрим бирликларини таснифлаш асослари¹⁰, аксарият илмий тадқиқотларда ўрганиш объекти сифатида танланган тил бирликларининг таснифи масаласи кўрилган.

Маълумки, *таснифлаш* умумфалсафий категория бўлиб, унинг хусусий соҳалардаги воқеланишларини ойдинлаштириш, биринчидан, шу соҳага дахлдор айрим муаммоларни ечишда қўл келса, иккинчидан, назариянинг муайян фанлардаги татбиқидан келиб чиққан ҳолда уни тўлдириш, мукаммаллаштириш учун далиллар вужудга келтиришга замин ҳозирлайди.

Дунё тилшунослигида вариантдош бирликларнинг турли йўналишлардаги таснифи мавжудлиги юқорида айтилган эди. Тилшунос Э.А.Воробьева «К вопросу о классификации языковых вариантов» деб номланган мақоласида вариантдош бирликларнинг лингвистик таснифи тарихи ва турлари ҳақида маълум фикрларни баён қилади¹¹. Шунингдек, В.В.Виноградов, А.И.Смирницкий, К.С.Горбачевич, Р.П.Рогожникова, В.М.Солнцев, В.П.Филин, Л.К.Граудина кабиларнинг вариантдош бирликлар таснифига доир фикрлари ва уларнинг тасниф амалиёти таҳлилига доир мулоҳазалари ҳам мавжуд. Вариантдош бирликларни таснифлашда ҳам тилнинг бошқа бирликлари таснифида бўлгани каби хусусийликка томон бориш тамойилига амал қилинади. Демак, таснифни сатҳлар мисолида кўриш мақсадга мувофиқдир. Ҳолбуки, вариантдошлик нафақат лексик, балки бошқа сатҳ бирликларига хослиги билан характерланади.

¹⁰Мадрахимов И. Сўзнинг серкирралиги ва уни тасниф қилиш асослари: Филол. фан номз ... дисс. автореф. – Тошкент, 1995. – 25 б.

¹¹Воробьева Э.А. К вопросу о классификации языковых вариантов // Сборник научных трудов Северо-Кавказского государственного технического университета. 2005. – № 1 (13) // <http://www.ncstu.ru>.

Вариантдош бирликларнинг қайси сатҳга тегишлилига кўра илк таснифи куйидаги кўринишни олади:

Вариантдош бирликлар	
Лексик вариантдош бирликлар	Грамматик вариантдош бирликлар

Лексик сатҳ ўз ичига лексемалар (сўзлар) ва ибораларни олганлиги туфайли улар ўз ўрнида иккига ажралади:

Лексик вариантдош бирликлар	
Вариантдош сўзлар	Вариантдош иборалар

Вариантдош сўзлар ўз ўрнида *вариантдош мустақил сўзлар*, *вариантдош ёрдамчи сўзлар* ва *вариантдош ораликдаги сўзлар* каби гуруҳларга ажралади.

Вариантдош мустақил сўзлар ўз ичида яна бир неча турга бўлинади:

1) вариантдош феъллар: *бегаиш–бежаш, ҳиддатланмоқ–шиддатланмоқ, ҳижоламоқ–ҳижжсаламоқ;*

2) вариантдош отлар: *бошбармоқ – бошмалдоқ, ирим-чирим – ирим-сирим, ҳалвойтар – ҳолвайтар, ҳангома – ҳангама;*

3) вариантдош сифатлар: *бузрук – бузург, эринчоқ – эринчак;*

4) вариантдош сонлар: *бирорта – биронта, икков – икковлон – икковлан;*

5) вариантдош равишлар: *доим – доимо, тириклай – тириклайин – тириклигича, ҳамоно – ҳамон, арзон-гаров – арзон-гарон;*

6) вариантдош олмошлар: *ўша – ўшал, сан-ман – сен-мен, ҳама – ҳамма, анови – анави.*

Вариантдош ёрдамчи сўзлар вариантдош кўмакчилар, вариантдош боғловчилар, вариантдош юкламалар каби ички бўлинишларга эга.

Куйида вариантдош ёрдамчи сўзларни берамиз:

Вариантдош кўмакчилар: *билан//бирла//била//ила//-ла; учун//-чун; каби//киби; узра//уза; ҳақида//ҳақда.*

Вариантдош боғловчилар: *-у//-ю; лекин//локин//лек, ё//ёки//ёхуд// ёинки; -ки//-ким; зеро//зероки; агар//гар//агарда; гарчи// гарчанд.*

Вариантдош юкламалар: *-а//-я; ҳатто//ҳаттоки; -оқ//-ёқ; наҳот// наҳотки; -ки//-ким; -у//-ю; -гина//-кина//-қина.*

Ораликдаги сўзлар орасида вариантлилик ҳодисаси кам бўлса-да, учрайди. Сўз туркумлари таснифидагидек, ораликдаги вариантдош сўзлар ҳам куйидагича тасниф қилинади:

Вариантдош тақлид сўзлар: *ҳингир-ҳингир – ҳиринг-ҳиринг, шарақ-шарақ – жарақ-жарақ, шарақ-шарақ – шарақ-шуруқ.*

Вариантдош ундов сўзлар: *ҳо – ҳов, ҳой – ҳуй, ҳой-ҳой – ҳой-ҳўй.*

Вариантдош модал сўзлар: *аввало – авваломбор, албатта – албат, шаксиз – шубҳасиз.*

Луғавий маъно ифодалаш хусусиятига кўра лексик вариантдош бирликлар сирасига кирувчи ибораларнинг вариантдошлиги ўзига хослиги билан ажралиб туради ва у махсус тадқиқотларда ўрганилган¹².

Ўзбек тилшунослигида иборалар вариантлашуви масаласи профессор Ш.Раҳматуллаев тадқиқотларида махсус тадқиқ қилинган. «Вариантлашиш – барча тил бирликларига (фонемага ҳам), шу жумладан, фразеологик бирликларга ҳам мансуб ҳодиса. Кўп вариантли ибораларнинг асосий қисмини икки ва уч вариантли иборалар ташкил қилади. Умуман, фразеологик бирликларда вариантлашиш бошқа тил бирликларидагига нисбатан кучли бўлиб, бир иборанинг вариантлари сони ўнтагача етади»¹³.

«Фразеологик вариантларда бир иборага бир неча вариантни бирлаштириш уларнинг:

а) турли-туман ўзгартиришлар сабабли бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлиши, барчаси бир манбага бирлашуви;

б) асосида айна бир образнинг ётиши (бу образнинг вариантларга кўра сўниш-сўнмаслигидан қатъи назар);

в) айна бир луғавий маънони англантиш (ўзаро маъно қиррасида, нутқий, стилистик белгисида фарқ қилиш-қилмаслигидан қатъи назар);

г) ўзаро ўсиб чиққан вариантлар таркибида умумий сўз-компонентнинг бўлиши асосга олинди»¹⁴.

Иборадаги луғавий маъно яхлитлиги унинг вариантдан вариантга ўтиши билан ўзгармаслиги эътиборга олинганлиги айна ҳақиқат.

Ш.Раҳматуллаев вариантдош фразеологик бирликларда: а) *лексик вариантдош*; б) *грамматик вариантдош бирликларни* фарқлайди.

Вариантдош иборалар таркибидаги алмашувчи сўзлараро маънодошлик муносабати мавжуд бўлади:

*тўрт томони қибла – тўрт тарафи қибла (томон – тараф),
ўйга ботмоқ – ўйга чўммоқ (ботмоқ – чўммоқ).*

Маънодош сўзларни алмаштиришдан ташқари денотатив маъноси маълум даражада фаркланадиган, маънодошликдан биров фарқ қиладиган сўзлар алмашинуви эвазига юзага келадиган вариантдош иборалар ҳам мавжуд. Ш.Раҳматуллаев буни яқин маъноли сўзлар алмашинуви эвазига вужудга келадиган вариантдош иборалар сифатида қарайди. Биз уларни денотатив градуонимлар алмашинуви асосида вариантдош иборалар сифатида аташни маъқул кўрамиз. Уларга айрим мисоллар:

¹²Варианты падежных окончаний существительных разных склонений в единственном числе / Современный русский язык. Материалы для студентов / <http://www.v-beats.ru/kategoriya-padezha/varianty-padezhnykh-okonchaniy-sushchestvitelnykh-raznykh-skloneniy-v-edinstvennom-chisle.html>; Вариантность существительных в составе фразеологизмов современного польского языка // Вестник БГУ. Серия IV. 1985, № 1; Сорокина М.В. О вариантности фразеологических единиц / М.В.Сорокина // II Международные Бодуэновские чтения: Казанская лингвистическая школа: традиции и современность (Казань, 11-13 декабря 2003 г.): Труды и материалы: В 2 т. / Под общ. ред. К.Р.Галиуллина, Г.А.Николаева.– Казань: Изд-во Казан. ун-та, 2003. – Т. 1. – С.74-76; Язык родины Ломоносова на Урале // www.emezk.ru.

¹³Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Университетлар ва педагогика институтларининг студентлари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 13.

¹⁴Ўша асар. – Б. 13.

*икки қўлини оғзига тиқмоқ – икки қўлини оғзига солмоқ (тиқмоқ – солмоқ),
икки қўлини бурнига суқиб – икки қўлини бурнига тиқиб (суқмоқ – тиқмоқ).*

Иборалар сирасида грамматик шакллар ҳисобига фарқланувчи бирликлар ҳам мавжуд. Уларни ҳам қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

а) грамматик шакл алмашган вариант ибора:

елкасининг чуқури кўрсин – елкасининг чуқури кўрмасин (бўлишли шакл – бўлишсиз шакл);

б) грамматик шакл кўшилган вариант ибора:

ёқасини ушламоқ – ёқасини ушлатмоқ (аниқ нисбат – орттирма нисбат),
ҳолдан тоймоқ – ҳолдан тойдирмоқ (орттирма нисбат);

с) грамматик шакл туширилган вариант ибора:

асабига тегмоқ – асабга тегмоқ (эгалик шакли),

жонини фидо қилмоқ – жон фидо қилмоқ (эгалик шакли ва тушум келишиги);

г) грамматик тартиб ўзгарган ибора:

*богдан келса, тоғдан келмоқ – тоғдан келса, богдан келмоқ, кўнги
бермоқ – берган кўнги.*

«Вариантдош грамматик бирликлар таснифи» деб номланган фаслда вариантдош грамматик бирликлар грамматик сатҳнинг ўзида иккига бўлинганлиги каби икки катта гуруҳга ажралади: 1. Морфологик вариантдош бирликлар. 2. Синтактик вариантдош бирликлар.

Морфемик сатҳнинг ўз ичига сўз ясовчи ва грамматик морфемаларни олиши асосида морфемик вариантдош бирликлар ҳам ўз ўрнида иккига ажралади:

1. Сўз ясовчи морфемик бирликлар. 2. Грамматик вариантдош бирликлар.

Сўз ясовчи морфемик бирликлар ўз ўрнида ҳар бир туркумга мансублиги нуқтаи назаридан қуйидаги шажарани ташкил қилади: 1. Феъл ясовчи вариантдош кўшимчалар. 2. От ясовчи вариантдош кўшимчалар. 3. Сифат ясовчи вариантдош кўшимчалар. 4. Равиш ясовчи вариантдош кўшимчалар.

«Лексик ва морфологик вариантдош бирликларнинг нутқий хусусиятлари ва бадий-эстетик вазифалари» деб номланувчи III бобда бадий мазмун ҳамда бадий шакл талаби билан қўлланган вариантдош бирликларнинг нутқий хусусиятлари ва бадий вазифалари масалалари таҳлил этилган.

«Лексик вариантдош бирликлар ва меъёр. Вариантдош лексик бирликларнинг нутқий қўлланиши» бўлимида лексик вариантдош бирликларнинг бошқа сатҳларга хос вариантдош бирликлардан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туриши, айниқса, улар қайси услубга хизмат қилаётганлиги жиҳатидан ранг-баранг, коммуникатив, услубий ва бадий-эстетик вазифа бажариши ҳақида фикр юритилган.

